Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 5 (6. 794) 1989 йил 6 январь, жума. Баҳоси 3 тийин

Замондошимиз

⊙ Тошкент тикувчилик ишлаб-чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Ханифа Дадамуҳамедова.



Т. Каримов фотоси.

# БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

Республикамиз пойтахтида юздан зиёд миллат ва элатга мансуб бўлган кишилар бир оила фарзандларидек яшамоқдалар. Шаҳримизнинг истаган корхона ва ташкилотларида, қурилиш объектларида турли миллатга мансуб бўлган кишиларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Маҳаллалардаги интернационал оилаларни айтмайсизми? Бундай аҳил-пайванд кишиларни ҳар қанча мақтасак, уларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатсак арзийди.

Ана шу фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб ҳамда КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлажак Пленуми олдидан «Тошкент оқшоми» газетасида «Бир оила фарзандларидек» деган янги рубрика очмоқдамиз. Бундан буён шу рубрика остида бир коллективда, бир оилада, бир маҳаллада яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат ва турли касбга мансуб бўлган ҳамшаҳарларимиз билан оқшомхонларни таништириб борамиз.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-босмахонада ҳам турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Улар янгиланиш йўлидан бориб ишлаб чиқаришда муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар.



⊙ Халқимизда «Меҳнат қилган — элда азиз», деган ажойиб нақл бор. Ўзбек ўғлони Ҳамидулла Саидов ҳам ҳалол меҳнати билан коллектив ҳурматини қозонган зарбдор матбаачилардан ҳисобланади. У босмахонанинг муқовалаш цехида ишлайди. Ишга масъулият билан ёндошиш, дўстларига меҳр-оқибат, инсонийлик — буларнинг ҳаммаси Ҳамидулла акага хос фазилатлардир. 1989 йилни яхши суръатлар билан бошлаган Ҳамидулла Саидов мусобақанинг олдинги сафида бораяпти.

⊙ Клавдия Афанасьевна Ионкинанинг меҳнат стажи 32 йилдан ошди. У ҳам шу босмахонанинг ветеранларидан ҳисобланади. Ишга ижодий ёндошиш, топшириқларни кўнгилдагидек адо этиш сингари фазилатлар Клавдия Афанасьевнага хосдир. Унинг кўп йиллик ҳалол ва фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланган. К. А. Ионкина Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Камтарин рус аёли Клавдия Афанасьевна Ионкина қайта қуришнинг олдинги сафида бораётган минглардан бири.





⊙ Ёшларга мураббийлик қилиш кишидан кўп масъулият талаб этади. Босмахонада кўпчилик ёшлар Лидия Павловна Федосенкони ўз устозлари деб билишади. «Дарахт бир жойда кўкаради», деганларидек мана 34 йилдирки, Лидия Павловна матбаачилик қилади. Юзидан доим табассум аримайдиган бу украин аёлининг фидойилиги ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин.

⊙ Анвар Шарипович Искалиев — қозоқ фарзанди. Нималарнингдир хаёлини суриб турган Анвар Шариповичнинг иш стажи 30 йилдан ортиқ. Партия сафига ўтганига ҳам чорак аср бўлди.

— Коммунистнинг ўрни доимо олдинги сафда бўлиши керак, — дейди А. Ш. Искалиев. — Шу боисдан доимо ўрнак кўрсатиб ишлашга, план-топшириқларини доимо ошириб адо этишга ҳаракат қилиш — бизларнинг шарафли бурчимиз бўлиши керак.

Ҳа, А. Ш. Искалиев сўз ва иш бирлигига қатъий амал қилаётган ишчи синфининг муносиб вакилидир.



С. БОБОЕВ.

Р. Шарипов фотолари.

Долзарб мавзу

# Буюртмачилар доғда қолмасин

**Бутун мамлакатимиздаги саноат тармоқларининг барча бирлашмалари ва корхоналари коллективлари бу йил тўла хўжалик ҳисоби асосида ишламоқдалар. Шаҳар партия ташкилотлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг июнь [1987 йил] Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, туб иқтисодий ислоҳотни таъминлаш йўлида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтирдилар. Ҳозир биронта район партия комитети, бошланғич ва цех партия ташкилоти йўқки, ана шу долзарб масала билан шуғулланмаётган бўлсин. Фақат улargина эмас, балки совет, касаба союз, комсомол органлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг эътибори ҳам ҳозир ана шунга қаратилмоқда. Бу бежиз эмас албатта...**

Ўтган йили ўнлаб корхоналар янгича шароитда ишлай олиш лаёқатини намоён қилдилар. Булар — «Подъёмник», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Сигнал», «Технолог» ва бошқа кўплаб корхоналардир.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтган корхоналар ичида буюртмаларни етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини муваффақиятли бажарган корхоналар кўп. Ҳатто бутун-бутун районларда ҳам бу борада аҳвол йил сайин яхшиланиб бораётгани кишини қувонтиради, албатта. Масалан, Чилонзор, Октябрь, Киров районларининг шартнома мажбуриятларини бажаришга ҳурмат ва масъулият билан муносабатда бўлаётгани яхши. Улар қаторига Акмал Икромов ва Ҳамза районларини ҳам қўшгимиз келади.

Аммо биз йил бошидаёқ ҳаммага маълум, аммо оддий бир ҳақиқатни алоҳида таъкидламоқчимиз. Бу тўла хўжалик ҳисобига ўтган корхоналар ва бирлашмалар учун энг муҳими — маҳсулотларимизни харид қилиб олиш учун шартнома тузган буюртмачилар олдидаги ўн ва юз карра масъулиятни ҳис этишдир! Агар қайси корхона коллективи бозоримиз касод бўлмасин, мўлжалдаги фойдага эришамиз, деб умид қилса, буни йил бўйи ёдда тутмоғи керак!

Йил бошида яна бир нарсага эътибор бериш зарур. Баъзи корхоналарда йил бошиданоқ яхши суръат олинмайди. Оқибатда қарздорлик ой сайин ортиб бораверади. Шунинг учун корхоналарнинг раҳбарларига квартал ва ойлик иш режимига қатъий риоя этилишини қатъий назорат остига олишларини истардик. Буни айтаётганимизнинг сабаби шундаки, ўтган йили хўжалик ҳисоби асосидаги тажриба-ишлаб чиқариш корхонаси, қоғоз комбинати, ёғочни комплекс қайта ишлаш корхонаси, 2-дон маҳсулотлари комбинати ва бошқа корхоналарда шундай ҳоллар содир бўлди: уларда квартал ичида маҳсулотлар етказиб бериш графиги бузилди.

Энди бир тасаввур этинг. Одам уч маҳал овқатланишга ўрганган. Унга эрталаб ёки тушки вақтда овқат берилмаса-да, бир йўла кечқурун ҳамма овқат бир қилиб берилса қандай бўлади? Мумкин эмас, шундайми? Нега энди биз буюртмачиларга шундай қилиш мумкин, деб ўйлаймиз?! Истагимиз беш йилликнинг тўртинчи йилида бундай ҳоллар такрорланмаса!

Ўтган йили республика енгил саноат министрлигига қарашли корхоналар ҳам савдо тармоқларига мўлжалдагидан анчагина кам кенг истеъмол буюмлари етказиб беришди. Ўйлаймизки, бу йил бундай ҳолга қатъий чек қўйилади.

Бир қатор корхоналарда ой сайин ўсиш ўрнига, ўтган йилги даражада пасайиш ҳолларига йўл қўйилди. Масалан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташхимсельмаш»да, экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасида, подшипниклар ремонти, агрегат заводларида ва бошқа кўпгина корхоналарда кейинги ойлардаги кўрсаткичларда шундай ҳоллар содир бўлгани ачинарлидир. Енгил металл конструкциялар заводи, «Каноп» ишлаб чиқариш бирлашмаси, лак-бўёқ заводларида эса умуман 1988 йил залворли бўлмади: товар маҳсулоти ишлаб чиқаришда аввалги эришган ютуқларига ета олмадилар. Бу шаҳар бўйича ўсиш суръатларига таъсир этмай қолмади, албатта.

Хулоса қилиб айтсак, маҳсулотлар етказиб бериш бўйича буюртмаларни ўз вақтида адо этолмаётган корхоналарда бунинг сабаблари ҳар хил: баъзиларида ҳали ишлаб чиқариш малакали кадрлар билан тўла таъминланмаган, айримларида эса олинаётган хом ашё ва материаллар сифати жуда паст, кўплари эса деталь ва буюмларни комплект ҳолда ололмай доғда қолишяпти.

Кўриниб турибдики, 1989 йилда саноат корхоналари коллективлари олдида ҳали ҳал қилиниши зарур бўлган бир қатор муаммолар турибди.

Ҳ. ИКРОМОВ.

## 26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

# Қатъий план асосида

Ленин район Совети ижроия комитети биносида жойлашган 597-Тошкент-Ленин территориал сайлов округида сиёсий кампанияга тайёргарлик ишлари кун сайин қизиб бормоқда. Шу кунгача бу ерда сайлов комиссияси аъзоларининг уч марта йиғилиши ўтказилди.

Биринчи мажлисда округ сайлов комиссиясининг раиси, ўринбосари, секретари сайландилар. Иккинчи мажлисда Марказий округ сайлов комиссиясининг хати билан танишиб чиқилди. Учинчи йиғилишда эса навбатдаги қилинадиган ишлар муҳокама қилинди. Округ бўйича навбатчилар рўйхати тасдиқланди.

— Навбатчилик дастлабки босқичда 12 соат давом этади, — дейди бизга сайлов округи секретари Д. Раҳматуллаева.— Мен бир ой давомида эрталаб 9 дан кеч соат 19 гача, 19 дан соат 21 гача эса комиссия аъзоларидан бири навбатчилик қиламиз. Шу вақт мобайнида сайловчилар бизга ўзларини қизиқтирган барча масалалар билан мурожаат қилишлари мумкин.

Кўркам безатилган хонада СССР Конституциясидан тортиб сайловга оид барча брошюралар ўрин олган. Ташриф буюрувчиларни ҳисобга олувчи, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини қайд этувчи дафтарлар юритилган.

Комиссия иш планидан эса барча тадбирлар рўйхати ўрин олган. Улар қайси кун ва ким томонидан бажарилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Сайлов округига иккита район қарайди. Улар Ленин ва Ҳамза районларидир. Кечадан бошлаб бу ерда участка сайлов комиссиялари ташкил этила бошланди. Бу тадбир 24 январгача тугалланиши керак. Ҳаммаси бўлиб 41 та участка тузиш планлаштирилган. Улар сайлов округи территориясига қарашли 68-мактаб, Билимлар уйи, «Ташоблстрой», Химия-фармацевтика заводи сингари йирик муассаса ва корхоналардан ўрин олади. Депутатликка номзодлар кўрсатиш эса 10 январдан бошланиб, 7-февралда тугалланади.

М. ОРИПОВ.

# СТУДЕНТЛАРНИНГ ТУРМУШИ ВА МАИШИЙ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

XXVI шаҳар партия конференциясининг студентлар турмуши социал соҳасини ривожлантиришга қаратилган қарорларини бажара бориб, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети совет, касаба союз, комсомол органлари билан ҳамкорликда Студентлар шаҳарчасини социал ривожлантириш программасининг лойиҳасини ишлаб чиқди. Ҳозир мазкур лойиҳа студентлар ва ўқитувчиларнинг кенг муҳокамасига ҳавола этилган.

Программада белгиланган оператив ва истиқболли тадбирларни амалга ошириш мақсадида координация кенгаши тузилди ва у ўз фаолиятини бошлади. Кенгаш составига министрликлар ва идораларнинг, ўқув муассасаларининг вакиллари, шаҳар хўжалиги хизматларининг раҳбарлари, студентлар киришди.

Координация кенгашининг 4 январь куни бўлиб ўтган мажлисида январь ойи иш плани тасдиқланди. «Водоканал» трестининг бошқарувчиси З. Т. Солихўжаев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи Ғ. Ҳ. Мансуров, умумий овқатланиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. В. Кожарина, Собир Раҳимов район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ш. Н. Шомансуров, Собир Раҳимов районининг архитектори М. А. Расулов студентларга ва техникумларнинг ўқувчиларига савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланишига доир ахборотлар билан сўзга чиқдилар.

Муҳокама шаҳарчанинг архитектура қурилиши, йўл ва йўлкаларнинг аҳволидаги имтиёзли овқатланишни жорий этиш ва таклиф этилаётган таомлар ассортиментидаги қатор жиддий камчиликларни очиб ташлади. Ушбу масалаларнинг ҳаммаси назорат остига олинди. Студентлар шаҳарчасида координация кенгаши аъзоларининг навбатчилиги ташкил этилди (справкалар ва мулоҳазалар учун телефон — 46-90-10).

Студентлар шаҳарчасига хос муаммолар бошқа ўқув муассасаларида ҳам мавжудлигини эътиборга олиб, район партия комитетларига олий ўқув юртлари ва техникумлар билан биргаликда худди шундай социал ривожлантириш программаларини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Координация кенгашининг мажлисини кенгаш раиси — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари К. Р. Расулов олиб борди.

# Янги кошин

**⊙ «Тошкент» мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Янги йилдан янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.**

**Бу 70x70 сантиметр катталикда йўлак плиталари бўлиб, илгарилари чиқит ҳисобланган мармар ва гранит қолдиқларидан тайёрланмоқда.**

**Шунингдек, корхонада пардоз плиталари, мозаика кошинлари ҳам чиқитдан тайёрланмоқда.**

## Ўзбекистон— қардош Арманистонга

### 700412-счётга

Янги йилнинг дастлабки кунларида Арманистоннинг зилзиладан зарар кўрган шаҳар ва қишлоқларига ёрдам фондига яна пул тушди.

5 январга қадар Ўзбекистон меҳнаткашларининг 700412-счётга ўтказган пуллари **ўттиз олти миллион тўққиз юз ўн етти минг тўққиз юз** сўмга етди.

Айрим гражданлар 2088300 сўм нақд пул топширдилар, республика меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари 34829600 сўм пул ўтказдилар.

700412-счётга пул ўтказиш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

# Рус тилини ўрганамиз

**Ўзбек халқи қадимдан бир неча тилни билган. Ҳозир ҳам кўпчилигимиз она тилимиз билан бир қаторда рус тилини чуқурроқ билишга интиламиз. Бу интилишимизнинг самарали бўлиши учун бизга олимларимизнинг яқиндан кўмаги зарур. Шуни ҳисобга олиб, «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида ҳафтада бир марта «Рус тилини ўрганамиз» рубрикаси остида сабоқлар бериб борамиз. Сабоқлар «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси ҳузурида ташкил этилган миллий муносабатлар ва тил муаммолари советининг аъзоси, профессор Алибек РУСТАМОВ таҳрири остида эълон қилинади.**

**Бугун ушбу сабоқлар муқаддимасини эълон қиламиз.**

Тил инсон ҳаётида оддий тус олганлиги туфайли киши унинг қанчалик муҳим эканлигини етарли даражада англай олмайди. Ҳолбуки, инсонни инсон қилган, илму фан ва иқтисоду маданиятни ривожлантирган ҳамда дунёни обод қилган воситаларнинг асосийси — тилдир. Абу Али ибн Сино «Инсон ҳайвондан ақли ва тили билан фарқ қилади, шунинг учун инсоннинг энг етуги оқилу чечани», деган эди. Кишилар тил воситасида бир-биридан билим ва ҳунар ўрганадилар ва ривожлантирадилар ҳамда билим ва ҳунар деб аталган ҳақиқий бойликни аждоддан авлодга тил хазинаси туфайли топшириб борадилар.

Ҳар бир шахс ёки миллат ўз жамиятининг ривожини ўз миллати доираси билан чегаралаб қўймаслиги ва бошқа миллатлардан орқада қолмаслиги учун ўзга тилларни ҳам мукаммал эгаллашга ҳаракат қилмоғи зарур.

**Ҳар тилни билув эмди баний одамға жондур,**
**Тил восита-йи робата-йи оламиёндур.**
**Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,**
**Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали кондур.**
**Зор ўлмасун онлар дағи тил билмай Аваздек,**
**Тил билмаганидин анинг бағри тўла қондур.**

Ушбу сатрлар муаллифи классик ўзбек шоири Аваз Ўтар тил билмоқлик қанчалар зарурлигини ёниб рақам қилган.

Дунёда тил кўп бўлганлиги учун биринчи навбатда бир эмас, бир неча миллат учун хизмат қилувчи тил ўрганилади. Совет халқи ва социалистик лагерга мансуб халқларни нутқ нуқтаи назаридан бирлаштирувчи тил — рус тилидир.

Рус тилининг аҳамияти Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин, айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг фашизм тор-мор бўлиб, дунёда социалистик лагернинг вужудга келиши муносабати билан жуда ортиб кетди. Совет тузумига ва бу тузум вужудга келтирган коммунистик ғояга, совет халқига, ленинча сиёсатга, совет кишисининг фидокорлигига ва бу фидокорликка илҳомлантирган Совет Иттифоқининг Коммунистик партиясига бўлган қаттиқ қизиқиш ер юзидаги ҳамма халқларда рус тилига беҳад иштиёқ пайдо қилди. Шундай қилиб, рус тили дунё миқёсида аҳамиятга эга бўлган тилга айланди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги расмий тиллар қаторидан жой олди.

Совет давлати, Коммунистик партиямиз қуролсизланиш ва дунёда барқарор тинчлик ўрнатиш сиёсатини тинимсиз олиб бормоқда. Бу сиёсатни тарғиб қилишда, тинчликсевар кучларни бунга сафарбар этишда рус тилининг хизмати катта бўлмоқда. Шу сабабли «Рус тили—тинчлик тили» деймиз.

Жаҳонда тинчликни ўрнатиш, коммунизм ғояларини бутун дунёда тарғиб қилиб, социалистик тузумни мустаҳкамлашда коммунистик дўстлик ва ҳамкорликнинг аҳамияти жуда каттадир. Бу борада ҳам рус тилининг хизмати ўзга тилларга нисбатан кўпроқ бўлмоқда. Шу сабабли рус тилини «Дўстлик ва ҳамкорлик тили» дейилмоқда.

Ҳар бир совет кишиси учун рус тилини билишнинг аҳамияти жуда каттадир. Бу тилни мукаммал билиш самарали меҳнату ижод, эркин фикру озод ҳаёт учун сув ва ҳаво каби зарурдир. Чунки, бизнинг давлатимизнинг ўзи кўпмиллатлидир. Рус тилисиз бир миллат вакили иккинчи миллат вакилини яхши тушуна олмайди, унинг ижобий томонларидан фойдаланиб, салбий томонларини йўқотолмайди, ўзининг маънавий бойлигини, маданий савиясини оширолмайди.

Она тилини пухта билиш рус тилини ўрганишда кўмаклашади, лекин рус тилини нозик томонлари билан мукаммал ўрганишнинг она тилимиз учун ҳам аҳамияти каттадир. Чунки бугунги кунда рус тили бошқа миллий тиллар ҳисобига ўзи бойиши билан бирга уларга кучли таъсир ҳам кўрсатмоқда.

Миллий тилларнинг луғат состави рус тили орқали кирган халқаро сўзлар билан узлуксиз равишда бойиб бормоқда. Янги пайдо бўлаётган тушунчаларнинг кўплари рус тилидаги сўзлар билан ифодаланмоқда. Миллий тилларда рус тилига хос бирикма ва гап конструкциялари ҳам вужудга келмоқда. Бу қонуний жараён бўлиб, тилларнинг ривожи тарихида бўладиган ҳодисадир.

Рус тилининг буюк аҳамиятини ёқут шоири С. Данилов ўзининг «Менинг рус тилим» деган шеърида бундай ифодалайди:

**Гўзал тилимизни берганг учун**
**Улуғлайман азиз ёқут элимни,**
**Тилим чиққан шу тил билан чечанман,**
**Севаман онамдек она тилимни.**
**Юз берар жаҳонда ҳар он янгилик**
**Етишмас тилимда буларга луғат.**
**Ифода этарман фикримни русча,**
**Шунда рус халқидан олиб таълимот.**
**Ҳабаш биродарим, кубалик дўстим,**
**Француз ишчиси бўлганда улфат,**
**Русча сўзламоқни билганим учун**
**Бемалол қураман дўстона суҳбат.**
**Озод миллатларнинг иттифоқидир**
**«Совет Иттифоқи» деган элимиз.**
**Қардошлик бахтини берди бизларга**
**Қизил байроғимиз ҳам рус тилимиз.**

Демак, ўз она тилимизни ва рус тилини яхши билиш ҳар жиҳатдан фойдали экан. Бинобарин, уларни қунт билан муфассал ўрганмоғимиз — давримизнинг биринчи зарурати бўлаётгани ҳам бежиз эмас.

**⊙ РЕДАКЦИЯДАН: «Рус тилини ўрганамиз» рубрикаси остидаги сабоқ материаллари ҳафтанинг ҳар жума куни газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинади.**



Диққат, янгилик!

**Ҳурматли газетхонлар, саҳна санъати мухлислари! Яқинда Халқлар дўстлиги майдонида жойлашган Абулқосим мадрасасида «Шарқ» давлат театри иш бошлади. Ҳозир коллективда актёрлар, лапарчи-яллачилар, мақомчилар танлаш ҳамда репертуар тузиш ишлари қизғин кетяпти. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз театрнинг бадиий раҳбари Тожибой Исроилов ва Ўзбекистон ССР тарих ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти Тошкент шаҳар Советн раисининг ўринбосари Абдулазиз Муҳаммадкаримовлар билан суҳбатлашди.**

# Унутилган анъаналар тикланади

**— Абдулазиз Алижонович, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Абулқосим мадрасасида Ўрта Осиёда ягона бўлган экспериментал давлат «Шарқ» театри очишга қарор қилди. Сизнинг ташкилотингиз эса бу янги коллективни ўз оталиғига олди. Буни қандай изоҳлайсиз?**

— 1977 йилда қардош Озарбайжон ССРнинг Кировобод шаҳрига боргандим. Бизни бир мадрасага олиб боришди. У ерда театр жойлашган бўлиб, фақат Низомий Ганжавий асарларини қўйишаркан. Ўша куни биз «Лайли ва Мажнун» спектаклини кўрдик. Томошабин спектаклга бевосита аралашиб кетаркан. Томошадан сўнг анчагача ҳайратимни босолмадим. Шундай театрнинг Тошкент шаҳрида ҳам очилишини жуда истардим. Мана орадан салкам ўн икки йил ўтиб биз шундай театрга эга бўляпмиз. Албатта театр моддий базасиз ҳеч нима қилолмайди. Биз қўлдан келганча коллективнинг ишлашига шарт-шароит яратишга, моддий ёрдам кўрсатишга интиляпмиз.

Бу театрга Абулқосим мадрасасининг танланиши ҳам бежиз эмас. Чунки шаҳарда жамиятимизнинг ярим миллион аъзоси бор, Ўшаларнинг аъзолик бадаллари ҳисобига бу ёдгорликни таъмирлаган эдик.

Пойтахтимизда асраб қолинган бу ёдгорликда бир йўла миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш ва тарғиб қилувчи профессионал театрнинг ташкил этилиши қутлуғ иш. Биз бундан фахрланамиз. Келажакда «Шарқ» театри Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида жойлашган тарихий ёдгорликларда ўз санъатларини намойиш қилишади. Энди олдимизда катта синов — янги театримизнинг халқ синовидан ўтиши турибди.

**— Тожибой Ғуломович, ўзбек театр жамоатчилиги сизни истеъдодли режиссёр сифатида танийди. Чунончи Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд область драма театрида бир неча йил бош режиссёр бўлиб ишлаб, сўнг Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрига таклиф этилгансиз. Нега отахон театрни ташлаб янги театрга ўтяпсиз?**

— Тўғри, академик театрда хоҳлаган асарингизни саҳналаштириб, кенг жамоатчилик эътиборини қозонишга ҳамма шароит бор. Бироқ сўнгги йилларда театр санъатида ўзига хос бурилиш юз беряпти. Актёрлар ва режиссёрлар ижодий ҳаётида чинакамига қайта қуриш бошлангандек. Чунки барча театр ижодкорларининг ўз атрофига ҳамфикрлар тўплаши, уларнинг ўзига хос услубда томошабинларга манзур бўлаётган янги театрлар ташкил қилиши қувончли ҳолдир. Шунинг учун ҳам группалар сони кўпайиб бормоқда.

Биз ҳам шу қутлуғ ниятда пойтахтимизда хўжалик ҳисобида иш юритадиган янги «Шарқ» театри ташкил этишга қарор қилдик. Бу театр ҳам ижро, ҳам репертуар жиҳатидан мавжуд театр коллективларидан анча фарқ қилади. Чунки шаклланган ва ўз саҳна анъаналарига эга бўлган труппаларда бу ишни амалга ошириш қийин эди. Мақсадимиз ўзимизнинг анъанавий майдон театри — шарқ синтетик театрлари услубини қайта жонлантириш. Очиғини айтсам, бугунги томошабин ўта талабчан. Аммо театрларимизда уларнинг юрагини жизиллатадиган ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан тўла миллий спектакллар жуда кам.

**— Гапингизга қўшиламан. Ўзбек томошабини катта маданий тарихга, фахрланса арзийдиган меросга эга. Жумладан, саҳна маданиятида ҳам...**

— Албатта-да. Ўзбек театри асосчилари Ҳамза, Маннон Уйғур, Етим Бобожоновларнинг миллий театр санъатидаги тажрибаларини ривожлантириш керак. Тўғри, янгиликка, замонавийликка интилиш керак. Аммо миллийликни иккинчи планга суриш ҳисобига эмас. Грузин театрини олайлик. Улар ҳам турли мамлакатлар адабиётига мурожаат қилишади. Лекин ижодларида миллий колоритни, халқ дардларини сингдиришга ҳаракат қилишади.

**— Ҳозиргина сиз «Шарқ» синтетик театри ҳақида гапирдингиз. Бу бежиз бўлмаса керак?**

— Аввало шуни айтиб ўтиш керак: буюк режиссёрлар Гордон Крайк, Эйзенштейн, Мойерхольд, Тоиров, Брехт каби кўпгина театр арбоблари Шарқ театрини ўрганганлар, қизиққанлар. «Шарқ» театри нима? Синтетик театр бизнинг ҳозирги театрларимиздан фарқ қилади деб айтувдик. Масалан, бугунги кунда театр режиссёрлари актёрларни «бу лирик актёр», «бу комик актёр», «бу трагик актёр» деб баҳолашга ўрганиб қолишган. «Шарқ» театрида эса актёр кенг кўламли бўлади. У ҳам лирик, ҳам комик, ҳам трагик ролларни бемалол ижро этаверади. Ҳатто ашула айтиш, рақс тушишни ҳам қойиллатади. Шарқнинг майдон театрларида доим шундай бўлган. Бир ёки икки артист минглаб томошабинларни бир неча соат ўз маҳоратлари билан «ушлаб» тура олган.

**— Ҳозир театрга қабул қилинадиган актёрлар синтетик театр шартларини бажараолармикан?**

— Тўғри. Ишга кираман деб келаётган актёрларнинг кўпчилиги албатта бу талабларга жавоб бераолмаслиги мумкин. Лекин биз уларни қисқа вақт ичида тарбиялашимиз керак.

**— Ахир бу тарих, этнографиямизни чуқур ўрганишни талаб қиладику?!**

— Ҳа шундай. Биз бу муаммони ҳал этиш учун шу соҳани яхши биладиган олимларимиз билан алоқани мустаҳкамладик. Улар у ёки бу анъанани қандай таҳлил этишда актёрларимизга маслаҳат беришади, урф-одатларимизни ўрганишга кўмаклашишади. Негаки ҳозирги актёрлар юриш-туришида миллийликдан кўра европа маданиятига тақлид кўпроқ. Шунинг учун ҳам биз қабул қилинаётган актёрларнинг ана шу томонларига эътибор беряпмиз. Ниятимиз битта: театримизга кирган киши ҳақиқий Шарқ маданиятини, ўзбек маданиятини кўрсин.

**— Репертуар қандай бўлади?**

— Бизнинг театр ўзбек ҳамда Шарқ мамлакатларининг классик драматургиясига таяниб иш кўради. Деярли ҳар бир тадбиримизда мақомчилар ўз маҳоратларини намойиш қилишади, ўзбек миллий маросимлари асосида саҳналаштирилган лавҳалар пойтахт меҳмонлари, чет эллик сайёҳларга кўрсатилади.

**— Бундай кенг кўламли ишларни амалга ошириш осонмас...**

— Албатта. Ҳар қандай эзгу ташаббуснинг қаноти бўлсин экан. Театримизни Ўзбекистон ССР тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг Тошкент шаҳар Совети ўз оталиғига олди. Миннатдорчилик тариқасида ойда бир марта шу жамият аъзолари учун театримиз хизматда бўлади.

Томошаларимизни чет эл ва совет туристлари ҳам кўришга мослаштирилади. Биз «Интурист» ва Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси билан ҳамкорликда шартнома туздик. Бу театримиз эллик процент томошабин билан таъминланди деган гап.

**— Қутлуғ ишларингизга омад тилаймиз. Янги театрнинг шуҳрати ортсин.**

— Катта раҳмат.

**Суҳбатни Ғайбулла РАЗЗОҚОВ ёзиб олди.**

**⊙ СУРАТДА: «Шарқ» театри ўз спектаклларини намойиш этадиган майдон.**

Куюнчаклик билан ёзилган

# ИСМИ ЖИСМИГА МОС БЎЛСИН

Инсон ҳамиша гўзалликни қидиради ва унга маҳлиё бўлади, уйда ҳам, кўчада ҳам, саёҳатда ҳам гўзал манзаралар, осмонўпар бинолар ва гўзал одамларга эътиборни қаратади. Уларни кўриб қувонади ва дилдан яйрайди. Мана шундай яхши кўринишлар, ободончиликлар ўзимиз яшаётган жойда, хонадонларимизда ҳам бўлиши керак. Ҳа, ободончиликни ҳамма ўйлайди. Ободончилик аввало кишиларнинг ўз уйидан бошланади. Шунинг учун улар чиройли уй-жой қуради, ҳовлисига дарахтлар ўтқазади, гулзор қилади, ҳамма ёқни безайди ва озода тутади.

Ҳаммага маълумки, ободончилик юзасидан республикамиз пойтахтида жуда кўп ишлар қилинди ва яна қилинмоқда. Бу қилинган ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин биз бу мулоҳазаларимизда яхши ният билан барпо этилган гулзор орасида худди тиканакдек кўзга ташланган айрим кўринишларни эслатиб ўтмоқчимиз. Эҳтимол, булар майда камчиликлар-ку деб ўйлаш мумкин. Лекин майда нарсалардан катта нарсалар пайдо бўлади. «Бирники мингга» деган гап ҳам шуни тақозо қилади. Биз бу мулоҳазаларимизда мана шу майда, лекин катта гапларга сабаб бўладиган нарсаларни кўзда тутмоқчимиз.

Ободончилик ҳақида гапирганда, ободончиликнинг барча кўринишлари кўзда тутилади. Масалан, кўчаларнинг икки четида одамлар юрадиган йўлкаларнинг чиройли, силлиқ қурилиши ва озода бўлиши ободончиликнинг бир кўринишидир. Илгари йўлкалар майин асфальт билан силлиқ ва чиройли қурилар эди. Унга тушган бир томчи сув ҳам икки томонга оқиб тушиб, йўл қуруқ ва озода турар эди. Кейинги вақтларда йўлкаларга қора мойга қорилган шағал тўкилиб, йўллар силлиқ бўлмай, ўйдим-чуқур бўлиб қоляпти. Баъзи жойларда эса асфальт ўрнига бетон плиталар ётқизиш расм бўлиб қолди. Плита чидамли булар эмиш, дейишади. Тажриба бу гапни инкор қиляпти. Икки-уч йилда плиталарнинг сийқаси чиқиб, симлари очилиб, йўловчиларнинг оёқларига илашиб, юришга халақит берадиган бўлиб қоляпти. Бунинг устига плиталар орасига чиқиндилар йиғилиб ёки ўтлар ўсиб уни тозалаш имконияти бўлмаяпти. Натижада йўллар ифлосланяпти ва хунуклашяпти. Бунинг мисолини жуда кўп жойларда, шу жумладан эски ТошМИ ҳовлисидаги йўлкаларда кўриш мумкин. Плиталар қийшайиб, бузилиб, у ерда сув ҳалқоб бўлиб ётибди. Илгари қилинган майин асфальтли йўллар узоқ йиллар бузилмай турибди-ку! Шу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак экан.

Тошкентнинг марказий кўчаларидан бири — Навоий кўчасидаги ярмарка дўконлари жарликка тушиб, кўча ҳувиллаб қолди. Бу узун кўчада ҳозир ҳатто бирорта сув дўкони ҳам йўқ. Ярмарканинг пастга туширилганлиги ўринсиз бўлганлиги, у ердаги дўконларда савдо-сотиқ ҳам яхши бўлмаётганлиги ва Навоий кўчасининг нообод бўлиб қолганлиги ҳақида матбуотда ҳам гапирилди. Энди бу кўчанинг обод бўлиш тақдири нима бўлади?— деган савол туғилади.

Тошкентда янги қурилишлар ниҳоятда кўпайиб, янги районлар, кварталлар пайдо бўляпти. Лекин бу қурилишларнинг кўпи маълум тартибда қурилмай, улар орасидаги кўчаларнинг тайини йўқ ва бу бинолар тартибсиз, эгри-бугри бўлиб тушганлиги учун, бинолар ораларини обод қилиш қийинлашяпти.

Тошкентда кўркам идора бинолари қурилган. Уларнинг олди кенг, чиройли гулзор майдон бўлиб, идорага шу йўлдан кирилар эди. Ҳозир кўп жойларда бу кириш йўллари беркитилиб, бошқа тор йўллардан эшик очилган. Энди бу дабдабали кириш йўллари нотўғри қурилган деб уларни бузиб ташлаш керакми?

Кўчаларга ҳар йили қанчадан-қанча дарахтлар экилади. Унинг сақланиши ва кўкариши билан етарли шуғулланилмайди. Натижада уларнинг кўплари синиб, қуриб кетади. Шунинг учун экилган дарахтларни сақлаб қолиш, кўчанинг ободончилиги ва тозаликни таъминлашни ўша ердаги корхона, муассасаларга топшириб қўйиш тажрибасини кенг оммалаштириш лозим. Шу билан бирга айрим хиёбонларга мевали дарахтлар экишни ҳам унутмаслик керак.

Ҳар бир маҳалла ва кварталнинг марказ жойи бўлса яхши бўларди. Шунда аҳолининг баъзи маданий, маиший тадбирларини ўтказишга шароит яратиларди. Илгари шу вазифани маҳаллалардаги гузарларда жойлашган чойхонанинг қизил бурчаги ва кутубхоналар бажарар эди. Гулзорлар обод бўлиб, у ерда ҳар хил савдо дўконлари жойлашиб, аҳолига хизмат кўрсатар эди. Афсуски, шундай гузарлар йўқолиб боряпти. Масалан, Тошкентда Тахтапул, Ишчилар шаҳарчаси, Шайхонтовур, Оқлон, Сассиқҳовуз ва бошқа гузарлар обод ва гавжум эди. Шундай гузарларни қайта тиклаш зарур.

Яна бир кўзга чалинган нарсага тўхталмоқчимиз. Кейинги йилларда автобус, троллейбус бекатлари қурилишига эътибор кучайтирилди. Йўловчилар бекатларда яхши шароитда автобус кутадилар. Лекин шу чиройли бекатларда ҳам камчилик кўзга ташланади. Бу бекатларда ўриндиқлар оддий тахта тилимидан қилиниб, бу тилимлар орасига тушиб қолган ҳар хил қолдиқларни тозалаш қийин бўляпти. Бу ўриндиқлар шундай ифлосланиб кетади-ки, у ерга ўтиришга жирканади киши. Бу ўриндиқларни силлиқ тахталардан қилинса, тозалаш осон бўлар эдику!

Кўчалардаги телефон будкаларининг аксариятида эшик йўқ. Уни безорилар суғуриб олиб кетганлар. Бу бугунги воқеа эмас. Бир неча йиллардан буён шундай. Шуни билиб туриб будка қурувчилар эшикни олинмайдиган қилиб қурсалар бўлмасмиди? Бунинг устига будканинг ичига қараб бўлмайди, ифлос, тозалаб бўлмайди. Бу кўринишлар ҳам кишини ранжитади, албатта.

Кўчаларда тўпланиб ётган ахлат-чиқиндиларни вақтида олиб кетмаслик ҳам ободончилик ва санитария ишларига доғ туширади.

Ободончилик санитария талаблари билан ҳам боғлиқдир. Шу боисдан бир гап айтмоқчимиз. Ободончилик ва озодалик остонадан бошланади дегандек, бу ишни фақатгина тегишли ташкилотларгина эмас, ҳар бир хонадон ҳам, ҳар бир киши ҳам ўйлаши керак!

Дўмбробод Тошкентнинг марказий жойларидан бири. Бу ерга 2-пойафзал фабрикаси, метро депоси ва бир неча қурилиш тресті ҳамда авторемонт корхонаси жойлашган. 7 ва 16-троллейбуслар шу ерга бориб қайтади. Лекин бу жойда битта озиқовқат магазинидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бу ерга турли савдо дўконлари, дорихона, «Союзпечать» дўкони ва бозорча қурилишини талаб қилиб, аҳоли бир неча бор газеталарга ёзди, лекин натижа бўлмади. Ободончилик шу ерга ҳам келиши керак эди-ку, ахир.

Хуллас, шаҳар ободончилиги — бу — ҳамманинг иши. Шундай экан, бу борада ҳар биримиз жон куйдиришимиз, камчиликларнинг барҳам топиши учун қайғуришимиз лозим. Ана шундагина пойтахтимиз янада гўзал ва кўркам бўлади.

Ўткир РАШИД.



Минг бир касб

# ФИДОЙИ ИНСОН

Чин инсон бўлиш катта бахт! Ўқитувчи илм зиёсини берар экан, уни чин инсон десак арзийди. Ўқитувчилар — ҳаётимиз файзи ва кўрки. Жонкуяр педагог Эргаш ака Ҳасанов ана шундай нурзиё кишилардан бири. У ишлаётган Мичурин номли 81-мактабга ташриф буюрганимизда мактаб директори Валижон Умаров устоз педагогнинг таржимаи ҳолидан гап бошлади:

— Эргаш ака 1925 йилда туғилган, партиясиз. Олий маълумотли. Ўқитувчилик фаолиятини 1942 йилда бошлаган. Педагогик стажи 46 йил. СССР ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери. Методист-ўқитувчи. Район ва шаҳар медаль комиссиясининг аъзоси.

Эргаш ака 1950 йили Октябрь районидаги 24-мактабга ишга йўлланма олди. Унинг етук ўқитувчи бўлиб етишишида устози Мансур Мирзаевнинг ҳиссаси катта бўлди.

— Эргашжон, сенинг дарс бериш методинг менга ёқди, — деди у бир дарс таҳлилидан сўнг. — Пухта ҳозирлик кўришинг, ҳар бир дарсни илмий савияда ўтишингни кузатиб юрибман. Ўз услубинг бор. Лекин камчиликларинг ҳам йўқ эмас. У ҳам бўлса, ўқувчиларингнинг билим савиясига эътибор бермаслигингда. Дарс жараёнида уларга кўпроқ мустақиллик бериш керак. Яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларни вақтида рағбатлантириб боришни унутма. Акс ҳолда улардаги ташаббусни бўғиб қўясан. Иккинчи камчилигинг, дарс ўтишда бир хилликдан воз кеч. Бир ўтган дарсинг бошқасига ўхшамасин. Шунда болалар зерикмайди.

—Шундан буён қанча сувлар оқиб кетди. Бироқ устознинг қимматли маслаҳатларини унутмадим,— дейди Эргаш ака. — Ўша гаплар мени ўқитувчи қилди.

Ҳа, у устоз ўгитларига амал қилиб кам бўлмади. Ўқишни, изланишни канда қилмади. Ҳалол меҳнати, ғайрати туфайли 1953 йилда мактаб илмий мудирлигига тайинланди, 1955 йилда эса Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси нишони билан тақдирланди.

24-мактабда беш йил ишлагач, Акмал Икромов районидаги 81-мактабга она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишга ўтди. Бир куни мактаб директори уни ҳузурига чақириб, мактабда она тили ва адабиёти фани ўқитилишини ҳозирги талаб даражасига кўтаришда ўқитувчиларга ёрдам беришини илтимос қилди. «Бизга сиздай ишчан, қобилиятли кишилар керак», қўшиб қўйди у.

«Ишни нимадан бошлаш керак?» ўйлади у. Ҳақиқатан ҳам ўқувчиларнинг она тили ва адабиётдан билими паст эди. Дафтарлар ойлаб текширилмас экан... Эргаш ака ишни ўқувчиларни адабиёт тўгарагига жалб этишдан бошлади. Орадан бир ой ўтгач, ўткир зеҳнлилар мушоирасини ўтказди. Мактабда адабиёт кечалари ўтказиш одат тусига кирди. Эргаш ака мактабда ўқувчиларнинг қадрдон дўстига айланиб қолди. Коллектив уни илмий мудир этиб сайлади.

— Ҳар бир одамнинг ёшлигида бирон соҳага истеъдоди бўлади. Ўша қобилиятни вақтида пайқаб, уни тўғри йўлга йўналтира олинса ўқитувчининг муваффақияти шу, — дейди Эргаш ака. — Вақт ўта борган сари таълим беришга талаб ҳам оша боради. Ўқитувчилар буни ҳеч қачон унутмаганлари ҳолда ўз устларида тинмай ишлашлари шарт.

Методист-ўқитувчи синфларда она тилидан группалар тузган. Бу группаларда ҳар бир аълочи ўқувчига тўрт-беш бола бириктириб қўйилган. Улар ҳар куни йиғилишиб, ўтилган темаларни такрорлашади, машқ бажаришади, ўзаро фикр алмашишади.

Яқинда устоз ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Акмал Икромов район халқ таълими ходимлари ўз конференциясида Эргаш ака Ҳасановни халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съездига делегат этиб сайлашди. Ўқитувчи учун бундан ортиқ бахт бўладими!

**Миразиз РАҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг она тили ва адабиёт кабинети мудири.**

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ,**
**СССР Журналистлар союзининг аъзоси.**

## БОСМАДАН ЧИҚДИ

**⊙ ЎЗБЕК Совет Энциклопедияси Бош редакцияси «У ким! Бу нима!» болалар энциклопедиясининг якунловчи учинчи томини босмадан чиқарди. Китоб 60000 нусхада чоп этилди. Энциклопедия мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган. Шунга қарамасдан унда ўқувчилар оммаси учун ҳам кўплаб қизиқарли материаллар бор.**

**Қомусда буюк тарихий шахслар, олимлар, ёзувчи-шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида, ҳайвонот ва ўсимликлар олами ҳамда кўплаб табиат ҳодисалари тўғрисида оммабоп формада турли маълумотлар берилган.**

**А. САЪДУЛЛАЕВ.**

## МАРОҚЛИ КЕЧА

Яқинда республика маданият ходимларининг малака ошириш институти залида камер музика ижрочилигига бағишланган тематик концерт кечаси бўлиб ўтди. Анжуманда М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитувчилари, жумладан пианиночи Флора Умарова, скрипкачи, республика конкурсининг лауреати Алла Ким, валторна созининг ижрочиси Радик Сафаровлар маҳоратларини намойиш қилдилар. Улар ижросидаги немис композитори Брамснинг 4 қисмли Ми-бемоль мажор триоси, эстон композиторларидан Кареванинг 3 қисмли триоси, ҳамда Тамбергнинг трио учун ёзилган прелюдиялари тингловчилар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Кечада шунингдек, Гнесин номидаги Москва Давлат музика-педагогика институти камер музика кафедрасининг профессори Т. С. Илюхина ҳам қатнашиб, ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Р. ХЎЖАЕВ.

# Кўргазмада музика янграйди

**— Портретлар, натюрмортлар, манзаралар... Қозоғистонлик рассом Юрий Косаговский асарларининг мавзулари, сюжетлари ва техник ечимларининг хилма-хиллиги ўзига хос «оҳанг»га эга бўлиб, ҳар бир асарнинг ўз мусиқийлиги бор, деб хабар беради, — ЎзТАГ мухбири.— Шунинг учун ҳам қардош республика мўйқалам устасининг Тошкентдаги ёшлар уйида ташкил этилган шахсий кўргазмаси очилишидан олдин кичик концерт бўлганлиги тасодиф эмас. Муаллиф ўз асарларини ҳамда томошабинларнинг таклиф этган мавзулардаги бадҳиҳаларини намойиш этди. У фақат рассом бўлибгина қолмай, музика билан ҳам жиддий шуғулланмоқда. «Оқ гуллар», «Ёзнинг охири», «Оқшом деразаси» — асарларга берилган бу номларнинг ўзида ҳам мусиқийлик бор. Залда рояль садолари янграганда эса картиналарга жон киргандек бўлди.**

**СССР халқлари дўстлиги музейида ташкил этилган бошқа кўргазмада қозоғистонлик яна бир рассом Тўғсултон Тўғусбоев ижоди билан танишиш мумкин. Ўз халқининг тарихи ва маданиятини фалсафий идрок этиш унинг картиналари асосий мавзусидир. «Чўл нафаси», «Олдимга кел, тойчоғим», «Ўт-ўланлар», «Булутли оқшом» асарларида рассом миллий анъаналарнинг давомийлиги мавзусига мурожаат қилади. Т. Тўғусбоев «Рассом», «Режиссёр», «Композитор» туркум портретларида ижодкор зиёлиларга хос бўлган фазилатларни ифодалашга ҳаракат қилади. Унинг кўпгина асарлари оналик ва муҳаббат мавзуига бағишланган.**

**Ўзбекистон рассомлар союзи бадиий кўргазмалар республика дирекцияси билан ташкил этган қозоғистонлик икки рассом кўргазмаси қардош республиканинг ҳозирги замон тасвирий санъати тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтиришга имкон беради.**

**Москвадаги Кўз микрохирургияси илмий-тадқиқот институтида олиб борилаётган илмий ва амалий ишларнинг довруғи Ватанимиздагина эмас, чет элларда ҳам кенг тарқалган.**

**СУРАТДА: институт директори С. Н. Федоров ва хирург-офтальмолог М. Д. Пожарицкий.**

**Ленинграддаги Нахимов ҳарбий-денгиз билим юрти талабаларини кўпинча «Аврора»нинг набиралари деб аташади.**

**1944 йилнинг июнида крейсер ветерани, 1918 йилдан партия аъзоси, контр-адмирал Николай Георгиевич Изачик Петроград соҳилидаги бинода дастлабки тарбияланувчиларни қабул қилган эди.**

**Ҳозир Нахимов билим юртига саккизинчи синфни битирган болалар қабул қилинади. Билим юртида улар денгиз ҳақидаги орзулари сари дастлабки қадамларини қўйишди.**

**СУРАТДА: «Смольний» ўқув кемаси электротехника группасининг командири—лейтенант А. Гостев нахимовчиларга ўз офицерлик хизмати ҳақида ҳикоя қилмоқда. У ҳам Нахимов билим юртининг собиқ талабаси, сўнгра Ф. Э. Дзержинский номидаги Ленинград ҳарбий-денгиз инженерлик билим юртини битирган.**

**ТАСС фотохроникаси.**

# ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ





**ТБИЛИСИ.** Транскавказ автомагистрали участкаларидан бирида ўзига хос бир қурилма ишлатила бошланди. У йўлларни тоғ жинслари силжиши ва қор кўчкиларидан сақлайди. Қурилма бир-бири билан ўзаро боғланган эски автопокришкалардан иборат. Грузия гидротехника ва мелиорация илмий тадқиқот институти ишлаб чиққан бу усулдан шунингдек дарё ва денгиз соҳилларини ювилиб кетишдан сақлаб қолиш учун ҳам фойдаланилади.

**ЧОРЖЎЙ.** Туркманистоннинг Саят районидаги Куйбишев номли колхоз чўпонлари ўз отарларини улар учун емхашак жамғариб қўйилган Нурёғди дарасига олиб келишди. Бу ерда 200 метр чуқурликдаги қудуқ қазилиши ниҳоясига етказилди, натижада 3 минг гектардан кўпроқ қақроқ ерларни суғориш имконияти пайдо бўлди. Яйловларни қудуқ суви билан суғориш оғир жараён бўлсада, иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Бу усул ер ости ичимлик сувлари бўлган ерларда айниқса самарали ҳисобланади. Хўжаликлар бундай жойларда ўт-ўланларга бой бўлган ўн минглаб гектар майдонлардан кўпинча сув йўқлиги сабабли фойдаланмайдилар. Бу йил бирлашма ирригаторлари пландан ташқари ўн минг гектарга яқин шундай майдонларни сув билан таъминладилар. Қудуқлар кавлаш топшириғи бажарилди, натижада хўжаликларга қўшимча равишда қирқдан ортиқ шундай сув манбаларини топшириш имконияти яратилди.

**ВОРОНЕЖ.** Воронеж филармониясида ўн саккизинчи аср рус хор ва камер-чолғу музикаси дурдоналари — Максим Березовский, Дмитрий Бортнянский, Иван Хандошкин композициялари илк бор янгради. Воронеж давлат санъат институти талабалари бу ерда биринчи марта «Осмон тўла юлдузлар...» концерт программасини қўйиб бердилар. Шундай қилиб, улар эски музикани қайта жонлантиришга, унинг ёрдамида эса қадимий черковлардан бирини тиклашга қарор қилдилар. Концертдан тушган пуллар Воскресенье черковини таъмирлашга, у ерда маданий марказ ташкил этишга сарфланади.

(ТАСС).

